IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БОЛАЛАР НУТҚИНИ ЎСТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Тиркашева Зулайхо Содиқ қизи
Халқаро инновацион университети “Педагогика ва жисмоний маданият” кафедраси ўқитувчиси
Email: tirkashevazulahho@gmail.com

АННОТАЦИЯ
Мазкур мақолада мактабгача таълим ёшидаги болалар нутқини нутқини ўстириш, бу ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришнинг мақбул усул ва воситаларига оид маълумотлар баён этилган.Шунингдек, оилаларда боланинг нутқини ривожлантириш ва сўз бойлигини ошириш, мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқини устиришга оид асосий кўрсаткичларни белгилаш ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш йўллари келтирилган.

Калит сўзлар
Мактабгача таълим, ёш болалар, муҳит, муносабат, мулоқот, тил, тизим, узвийлик, узлуксиз, фаоллик, луғат, теварак-атроф, жараён, нутқ шаклланиши, техник воситалар, нутқ ўстириш, ижтимоий муносабатлар.

АННОТАЦИЯ
В данной статье представлена информация о развитии речи детей дошкольного возраста, оптимальных методах и средствах развития речи детей этого возраста.Также приведены способы развития речи ребенка и увеличения словарного запаса в семье, определить основные показатели речевого развития дошкольников и разработать критерии оценки.

Ключевые слова
Дошкольное образование, дети раннего возраста, среда, отношение, общение, язык, система, связность, преемственность, деятельность, словарный запас, среда, процесс, формирование речи, технические средства, речевое развитие, социальные отношения.

Маълумки, нутқ маданияти умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, кишиларни юксак маданиятли бўлишларини белгилайди. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчидан, нутқ инсонлар бир-бири билан муомала ва алоқа қилишнинг усули ҳамдир. Жамият ривожи бевосита унда тайёрланаётган мутахассис кадрларга боғлиқ, айнан ёш авлод камолоти, унинг ривожланиши таълим-тарбия ва маърифат орқали руёбга чиқади. Маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди. Шу сабабли таълим, соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим. Ана шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, бола нутқини шакллантириш масалалари тарбиячи, услубиятчи ва ўқитувчининг доимий диққат марказида туради. Чунки бола нутқини ўстириш ва шакллантириш педагогик тарбиянинг асосий ва ажралмас, таркибий қисмидир. Умуман олганда, мактабгача ёшдаги болаларнинг оғзаки нутқини ўстириш ҳақида мушоҳада қилар эканмиз, бола нутқини ривожланиши асосан оила муҳити, ижтимоий муҳит таъсирида айнан оғзаки нутқ жараёнида амалга ошади [1]. Кузатишлар асосида шундай хулосага келдикки, мактабгача ёшдаги болаларда нутқий алоқани тарбиялашда тарбиячи ва ота-оналарнинг роли бениҳоя каттадир. Болалар нутқи устида ишлаш жараёнида оилавий муносабатларда катталар (ота-она, ака, опалар) ёш болаларга тенгдошлари билан суҳбатда

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

хушмуомала бўлишларига, табиий оҳангда гапиришларига, сўзлашганда сухбатдошининг юзига қараб туришларига, қўлларини бамайлихотир ҳолатда тутиб туришига эътибор бермоқ лозимлигини тушунтириши ва ўргатиши зарур.

Барчамизга маълумки, тил билан тафаккур ўртасида узвий алоқа мавжуд. Манбалар таҳлили шуни тасдикдайдики, мактабгача катта ёшдаги болаларнинг суз бойлигини режали, тизимли тарзда изчил кенгайтириб бориш зарур. Болалар нутқини тўғри ривожлантириш учун: а) нутқ ўстиришга доир теварак-атроф объектларини олдиндан ажратиш ва улар билан таништириш; б) болаларнинг эслаб қолиши ва тўғри талаффуз этиши, сўзлашганда тез-тез фойдаланиши, аҳамиятини тушуниши зарур бўлган сўзларнинг тахминий руйхатини тузиш лозим. Шунингдек, мактабгача ёшдаги болалар нутқи устида ишлашда лағат бойлигини ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг фаол луғатини бойитишда уларни теварак-атроф билан таништириш муҳим восита саналади [3].

Мактабгача ёшдаги бола эшитадиган, маъносини тушунадиган, эслаб қоладиган даврда қўллайдиган сўзларни аста-секин теварак-атроф билан танишиш жараёнида ота-оналари, тенгдошлари, тарбиячиларининг ахборотлари орқали, шунингдек, ўзининг унча кенг бўлмаган сўз захирасига таяниб билиб олади. Бола ўсиб боради, унинг эҳтиёжлари кўпаяди, янги истаклари, қизиқишлари пайдо бўлади ва уларни яқинлари (ота-онаси) га айтиш ва етказишда нутқий муносабатининг яхши эканлиги ижобий аҳамиятга эга. Ҳозирги давр тадқиқотчилари мактабгача ёшдаги болалар учун (шу жумладан, нутқий ривожлантириш бўйича болаларнинг сўз ўзлаштириши ва ундан фойдаланиши жараёнида кузатиладиган муаммоларнинг юзага келиш сабабларини белгилаш ҳамда уларни бартараф этишда лисоний ва нутқий вазиятнинг таъсирини алоҳида эътиборга олиш мадсадга мувофиқ. Чунки болалар нутқий лексикасига хос умумий хусусиятлар уларни қуршаб турган ижтимоий муҳитга боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг сўз қуллаши жараёнида юзага келувчи ўзига хос жиҳатлар эса уларнинг руҳий ҳолатини ўрганиш орқали аниқланади. Шу жиҳатдан гўдак ижтимоий ҳаётга кириб келиши билан унинг нутқи ҳам ижтимоийлашиб боради. Чунки бола туғилганидан бошлаб муайян ижтимоий муҳит таъсирида тарбия топади. Турли мулоқот вазиятларида етакчи ўринни бола томонидан катталарнинг ақлий хусусият ва қизиқишларига бўлган тақлидий хатти-ҳаракатлари ташкил этади [2]. Бунда сўз нутқий мулоқотнинг асосий воситаси сифатида хизмат қилади. Боланинг ижтимоий муҳитни билишга бўлган қизиқишларини қондириш унинг атроф-муҳит билан янада кенгроқ танишишига имкон яратади. Ушбу ёш давр болаларида уларнинг нутқини ўстириш ва тил-лўғат бойлигини оширишда мактабгача тарбия муассасаларида олиб бориладиган турли хил дидактик машғулотлар, тарбиячининг нутқий маҳорати асосида болаларга эртаклар сўзлаш, мақоллар ва тез айтишларни ўргатиш энг муҳим ижобий аҳамият касб этади. Шу каби машғулотлар асосида мактабгача ёш даврида боланинг сўз бойлиги жуда тез ортади. Буни шундай изоҳлаш керакки, инсон бутун ҳаёти давомида тил бойликларини ўзлаштириш орқали нутқини такомиллаштириб боради.

Болалар боғчаларида олиб борилган кузатишлар шуни курсатдики, уларнинг боғланишли нутқи ёшига кўра орқада қолиб, қатор камчиликлар мавжуд. Шунинг учун биз уларнинг нутқини кузатишда одатдаги ҳаётий фаолиятидан четга чиқмасликка ҳаракат қилдик. Бу жараёнда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

1. Она тили бойлигидан унумли фойдаланиш.

2. Нутқни ривожлантирувчи омилларни тўғри белгилаш.

3. Нутқни ривожлантириш жараёни.

4. Нутқни ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик.

5. Нутқни ривожлантириш мазмуни.

6. Нутқни ривожлантириш шакллари.

7. Нуткда ижтимоий-маиший омилларнинг ўзаро алоқаси.

8. Сайрлар, ўйин ва меҳнат жараёни - нутқни ўстиришнинг муҳим воситаси эканлиги.

Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстиришга доир тадқиқотларга оид маълумотларга кўра оила муҳити ҳамда таълим тарбия муассасаларида мулоқот жараёнидаги фаоллик бола нутқини ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Жумладан, мактабгача ёшдаги болалар ҳамда бошлангич синф ўқувчилари учун содда ва қизиқарли ўйинлар, ҳисоблашлар, тез айтишлар, шеърлар, эртаклар керак. Болалар учун нашр этиладиган китоблар, қўлланмалар атроф-муҳитни, ҳаётни билиш ва уни севишга ёрдам беради, мурғак қалбларнинг зеҳнини, онгини юксалтиради, турмушни содда ва ҳаққоний равишда тасвирлайди, болаларнинг луғат бойлигини оширади, нутқини ўстиради [4]. Шу ўринда яна таъкиддаш жоизки, мактабгача ёшдаги бола сўз захирасининг миқдори кўп жиҳатдан у тарбияланаётган оиланинг маданий савияси билан ҳам бевосита боғлик. Чунки баъзи оилаларда боланинг нутқини ривожлантириш ва сўз бойлигини ошириш билан мунтазам равишда шуғулланилса, айрим оилаларда масалага етарли даражада эътибор берилмайди. Бу эса болада нутқий мулоқотга бўлган эҳтиёжни сусайтиради. Шу сабабли бола ўз фикрларини ифодалашда кўпрок новербал мулоқот воситалари (мимика ва имо-ишоралар)дан фойдаланишга ҳаракат қилади. Демак, болаларнинг нутқ маданиятини шакллантиришда оиладаги катта-кичиклар, тенгдошлари билан ўзаро муомалалари аҳамиятга эга ва бу каби ижтимоий муносабатларнинг ижобий характери бола нутқининг ривожланишида муҳим омил ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бабаева Д.Р. Нутқ ўстириш методикаси. (Ўқув қўлланма). Т.: «Фан ва технология», 2009, 15- бет.
2. Искандарова Г. Бола нутқий фаолиятида ижтимоий муҳитнинг аҳамияти. / Ўзбек тилшунослиги масалалари: Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент, УзМУ, 2003. - Б. 87.
3. Шодиева Қ. Нутқ ўстириш услубияти. - Тошкент: Ўқитувчи, 2002. 68 - бет.
4. Содиқова Ш.А. Мактабгача педагогика. -Тошкент, “Тафаккур бўстони”, 2013 йил.